

ГЛОБАЛЛАШУВДА ИЖТИМОЙ ХАРАКАТЧАНЛИК

Тожибаев Бахромжон Турабаевич

Наманган мухандислик технология

Б.Т.Тожибаев

институтини доценти, PhD

Abstract: *Мазкур мақолада глобаллашувга нисбатан социологик контекста ёндошилган бўлиб унда, асосий эътибор глобаллашувнинг муқарра жараён сифати жамиятдаги ижтимоий муносабатларга киритаётган тадрижий ўзгаришлари ҳақида мулоҳазалардан иборат. Глобаллашув жараёнида инсонлараро ижтимоий характчанлик ортиб бориши ва нафақат маҳсулотлар ва технологияларни балки турли-туман маданиятлар, ижтимоий ғоялар ҳамда таълим имкониятларини ҳам халқаро чегаралар орқали ҳаракатланишини социологик хусусиятлари изоҳлашга характ қилинган.*

Keywords: *Глобаллашув, социал мобиллик, либераллашув, глобал контекст, миграция.*

КИРИШ

Социал мобиллик кўламини нисбий чексизлигини таъминловчи метафора бу "глобаллашув" жараёнидир. Биринчидан, "глобаллашув" маълум бир минтақа ёки мамлакат билан чекланиб қолмайди у истисносиз сайёрамизнинг бутун юзасини қоплайди. Иккинчидан, у ўз асосини турли жамиятларда яшовчи одамларни боғлайдиган тармоқ уланишларида топади. Учунчидан, глобал миқёсда янги дунёнинг технологик такомиллашуви, янги технологиялар туфайли мумкин бўлган алоқаларнинг тезкорлик табиатини намоён этади. "Глобаллашаётган" шахслар ҳаракатланадиган янги имкониятлар, янги алоқа воситалари ва уларни амалиётини таъминловчи ижтимоий-ҳуқуқий механизмларини шакллантирди. Замонавий дунёнинг оддий фуқароси ўрта аср ҳукмдорларида бўлмаган имкониятлардан фойланиши, катта шаҳарларда ишлаши, географик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган манбалардан маълумотлар базасини тўплаши мумкин.

XX-асрдаги Ренессанснинг янги тўлқини натижасида мобилликнинг кўп ўлчовли таҳлили имкони бўлди, бундай имкониятни Европа ва Америкада бошланган фаровонликнинг ўсиши "жамият фақат синфлардан иборат" ғоясининг яқун топиши янги маданиятнинг инқилобга сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон урушининг глобал таъсири ва оқибатлари, янги мустанлакалар - метрополия тўзилмалари ва таъсирининг парчаланиши ҳамда совуқ уруш туганидан кейин "янги" давлатларнинг қайта тикланиши глобаллашув учун шароит яратди. Бутун дунё бўйлаб ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва инсоният жамиятлари давомида аста-секин муносабатларни яқинлаштириш зарар қилмаслиги ва аксинча локализмдан кўра глобализмнинг

фойдалилик томонлари кўпроқ кўзга ташлана бошлади бундай ўзаро таъсир суръати 1990 йилдан кейин тез ўсди. Бунга жаҳон дихатомик қутблашувнинг мўътадиллашуви, халқаро савдонинг эркинлашуви, либераллаштириш сиёсати, аҳолининг юқори миграция суръати, юқори технологиялар, транспорт-логистика ва алоқа соҳаларини ривожланиши каби глобал ўзгаришлар сабаб бўлди. Пул, технология ва маҳсулотлар миллий чегаралардан аввалгилардан кўра тезроқ ўта бошлади. Маҳсулотлар ва инвестициялар билан бир қаторда ғоялар ва маданиятлар ҳам эркинроқ айлана бошлади. Америкалик сиёсий мутафаккир З.Бжежинский фикрича глобаллашув, ғарблашиш бутун дунё инсонларини оҳанграбо мисоли ўзига торта бошлади²⁴. Глобал контекста бундай жараёнлар нафақат иқтисодий тараққиётни балки жадал ижтимоий эволюцияни ҳам таъминлаб берди.

Глобаллашув атамаси дастлаб иқтисодий соҳада қўлланила бошланган²⁵. Бу борада изланишлар олиб борган иқтисодчи ва социолог Карл Поланьи миллий давлатлар ва маҳаллий бозорларни кучсизланиши ҳамда трансмиллий бозорлар, жараёнларни устуворлигини ортиб боришини таъкидлаган эди²⁶. Баъзи муаллифлар глобаллашувни объектив воқелик сифатида кўрадilar, уни ходиса сифатида қайд этадилар²⁷, бошқалари глобаллашувни биринчи навбатда жараён сифатида белгилайдилар²⁸, шунингдек глобаллашувни мегажараён²⁹ ёки тараққиётдаги умумийлик³⁰, ҳамда циклик тарихий ривожланиш³¹ деб ҳам таъкидлашади. Шунингдек глобаллашувни сиёсат³² ёки капитализм ривожланишининг маълум бир босқичи³³ сифатида белгилайди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза” ҳисоботида “Глобаллашув – жаҳон иқтисодиётининг товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучи ва фикр-кашфиётлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари туфайли давом этаётган интеграцияси” сифатида таърифланган³⁴. Глобаллашув мураккаб тарихий жараён сифатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, техник ва информацион интеграцияни тезлашиши, кенгайиши ҳисобига ҳамжамиятдаги жараёнлар бир қарашда тартибсиз, назоратсиз кўринса ҳам, моҳиятан ўзаро чамбарчасликда, боғлиқни ортиб боришини таъкидлаш зарур.

²⁴<http://elar.uifu.ru/bitstream/10995/46059/1/ipoy-2016-59.pdf>

²⁵ Моисеев С., Михайленко К. Terra incognita: глобализация финансовых рынков // Вопросы экономики. 1999. №6 Ст. 123-135. С.123.

²⁶ ru.wikipedia.org/wiki/Великая_трансформация

²⁷ Мегатренды мирового развития / отв. ред. М. В. Ильин, В. Л. Иноземцев. М., 2001; Лапкин В. В., Пантин В. И. Геоэкономическая политика и глобальная политическая история. М., 2004.

²⁸ Миронова О.А. Солодков Г.П. Феномены изменяющегося мира и парадоксы глобализации. \Технологии и формы международного экономического сотрудничества. Ростов н/Д .2003.С.26.

²⁹ Бранский, В. П. Социальная синергетика как постмодернистская философия истории // Общественные науки и современность – 1999. – № 6. –С. 117-127

³⁰ Пантин В. И. Циклы и волны глобальной истории. Глобализация в историческом измерении. М., 2003 *Новый век*. С. 18.

³¹ Самохвалова В.И. Метафизика глобализации. От утопии к антиутопии // Материалы междисциплинарного семинара Клуба ученых «Глобальный мир»; вып. 11(23). М.: 2002. С. 10.

³² Удовик С. Л. Глобализация: семиотические подходы. М., 2006. С. 350-351.

³³ Уткин А. И. Глобализация: процесс и осмысление. М., 2004. С. 9.

³⁴ Аннан К. Доклад тысячелетие. –М., 2002. –С.65

Глобаллашув умумсайёравий жараёнларни умумий хусусиятларини ўзида акс этган муносабатлар тизими десак ҳам бўлади. Глобал муносабатларда киришаётган жамиятларни имкониятига кўра мақомлари ҳам хар-хил экан, бугунги кунда иқтисодий имконияти юқори жамиятлар юқори мақомларни эгаллаб келишмоқда. Лекин, келажакда таълим сифати ва уни бозорга йўналтирилишига кўра жамиятларни, давлатларни ўрнини белгиловчи асосий куч сифатида майдонга чиқмоқда. Шу маънода таълим келажакда жамиятларни, давлатларни мақомини белгиловчи куч сифатида иқтисодий мезондан ўзиб кетиши эҳтимоллиги мавжуд. Глобаллашув нафақат одамларни, технологияларни балки турли-туман ижтимоий ғояларни ҳам халқаро чегаралар орқали ҳаракатланиши тушунилади. Тадқиқотчиларга кўра ҳаракатчанликни тадқиқ қилиш нафақат одамларнинг ҳаракатини ва объектларнинг ҳаракатини ўрганишни, балки хаёлий саёҳатни, виртуал саёҳатни ва коммуникатив саёҳатни ҳам ўз ичига олади³⁵. Глобаллашув саёҳат, савдо, миграция, маданий таъсирларнинг тарқалиши, билим ва тушунчаларни тарқатиш орқали дунё тараққиётига ҳисса қўшади. Бу глобал ўзаро муносабатлар кўпинча турли мамлакатлар тараққиётида жуда самарали бўлган.

Глобаллашув шароитидаги жадал ижтимоий эврилишлар инсоният жамиятлари аввалгилардан кўра инсонларга кўпроқ ҳаракат эркинликларига эга бўла бошлади. Инсонларни ҳаракат эркинликларини кенгайтиши ўз тавбатида социал мобиллик имкониятларини ошишига олиб келди. Ворисийлик қонуниятига кўра эски тизимдаги яшовчан хусусиятга эга конструктив қадриятлар сақланиб қолган ҳолда, ижтимоий эҳтиёж бўлмаган қадриятлар ўрнига янги ижтимоий-маданий қадриятларнинг ижтимоий буюртмаси шакллана бошлайди. Бундай жараёнлар оқибатида ижтимоий гуруҳларни, хусусан ёшлар ижтимоий гуруҳларини табиатига ўзгариш ясайди ва янгича талабларга мослашишини заруриятга айлантиради. Бир томондан кейинги йиллардаги ислохотлар натижасида келажакка умид билан боқувчи ёш авлод тоифасини кўпайиши, янги-янги истиқбол имкониятларини очилиши ёшлардаги мобиллик активлашди ва жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсата бошлади. Иккинчи томондан эса мазкур ислохотлар натижасида юзага келган эркинликлар ёшларни шахсий ҳаракатланиш ҳудудини кенгайтди, либераллаштирди ва айни дамда янгича субмаданият кўринишлар ҳам бўй кўрсата бошлади. Илгари давлатчилик институтларининг қаттиқ назорати остида бўлган ёшлар хатти-ҳаракатлари ва тафаккури тезликда эркинлик шароитида муайян даражада бошлиқлар ҳам пайдо бўлди ва бу ҳолат айрим ёшлар хулқида салбий натижаларни ҳам бўй кўрсата бошлади³⁶. Бугунги жамиятда ижтимоий ўзгаришлар, жараёнлар глобаллашиб

³⁵ Sheller M. The new mobilities paradigm for a live sociology. *Current Sociology Review* 1–23 © The Author(s) 2014 Reprints and permissions: sagepub.co.uk/journalsPermissions.nav DOI: 10.1177/0011392114533211

³⁶ Tozhibayev B., Isokov S. Youth Social Deviation in the Process of Reforms in Uzbekistan //IX International Scientific and Practical Conference “Current Problems of Social and Labour Relations”(ISPC-CPSLR 2021). – Atlantis Press, 2022. – p. 395. Pp. 394-400.

бораётган экан биз глобаллашув контекстида социал мобилликни кўриб чиқишимиз зарурий холдир.

Инсонлар жамиятдаги хатти-харакатларни тартибга солиб турувчи мавжуд қадриятларни ва тартиботларни ўзлаштиришлари шарт, акс ҳолда шахс камолоти ҳақида фикр юритиш имконсиздир. Жамият яшаб қолиш учун инсондан муайян лаёқат ва кўникмаларни талаб қилади. Бугунги лаёқат ва кўникмалар анъанавий инсонлар билиши шарт бўлган кундалик рўзғор неъматларини ўз қўли билан яратиш ёки созлаш эмас балки бирор бир соҳа бўйича профессиоанал мутахасис бўлишдир. Ушбу контекста инсонлар бошқалар билан лаёқат сифатларини айирбошлашади яъни, ўз мутахасислик мезонларига кўра яратилган неъмат ёки хизматларни бошқалар яратган ижтимоий неъматлар билан айирбошлашади. Бугунги жамиятда глобаллашган ижтимоий муносабатлар ва хатти-харакатларни асосий социологик аспекти ҳам шундаки у иқтисодий айирбошлаш муносабатига ўхшаб яққол кўзга ташланмайди.

Глобаллашув натижаси ўлароқ Ғарбда ўрта ҳол одамларни ҳам фаровон яшаш имкони вертикал юксалиш мобилликнинг универсал ўлчови сифатидаги аввалги мезонини йўққа чиқариш имконини берди. Яъни Ғарбдаги иқтисодий-ижтимоий тараққиёт оддий ўқитувчи ёки сартарошни ҳам яхши яшаш имконини берди, фаровон яшаш учун юқорига силжиши заруриятга айланмади. Умумнинг хусусиятлари хусусда акс этгани каби асосий мобиллик мезонларидан иқтисодий ҳолат индивид учун ҳаёт-мамот масаласи эмас, жамиятдаги умумий фаровонлик унинг кўплаб аъзоларига индивидни актив фаолият олиб бормаса ҳам яхши яшаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак глобаллашган дунёда ўзгаришлар ва ижтимоий тараққиёт ғояси билим ва унинг тарқалиши билан чамбарчас боғлиқ. Замонавий глобаллашувга диҳатомик қутблашувнинг мўътадиллашуви, савдосининг вужудга келиши, либераллаштириш сиёсати, аҳолининг юқори миграция суръати, юқори технологиялар, транспорт-логистика ва алоқа соҳаларини ривожланиши сабаб бўлди. Глобаллашув нафақат одамларни, технологияларни балки турли-туман ижтимоий ғояларни ҳам халқаро чегаралар орқали ҳаракатланиши ҳамдир.

Глобаллашув шароитида ижтимоий ҳаракатчанликни шаклланиши объектив ижтимоий муҳитда шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг мавжудлиги, шаклланиши ва фаолияти учун моддий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий шароитлар йиғиндисидан глобал ҳаракатчанлик механизмларини мақбуллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.